



КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК СОҲАСИДА ДАВЛАТ СИЁСАТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти “Камбағалликни қисқартририш ва бандлик соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш ва самарадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолади

Мамлакатимизда инсон ресурсларини ривожлантириш орқали ички ва ташқи меҳнат бозорини ислоҳ қилиш, камбағалликни қисқартририш учун бандликнинг прогрессив шакллари татбиқ этилиши, соҳада кўрсатилган хизматлар сифатини янада ошириш ҳамда халқаро стандартлар асосида муносиб меҳнат тамойилларини кенг жорий қилиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Мазкур чора-тадбирлар изчиллигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган қарорга мувофиқ куйидагилар назарда тутилган.

Биринчидан, Камбағалликни қисқартририш ва бандлик вазирлигининг (кейинги ўринларда — Вазирлик) бевосита маҳаллаларда ишлаш тизими жорий этилмоқда. Хусусан:

Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Камбағалликни қисқартририш ва бандлик вазирлигига ўтказилмоқда ҳамда вазирликнинг ҳудудий бўлиmlарига “лоийҳавий ёндашув” тамойили асосида иш ташкил этилиб, ходимлар аҳоли ва тадбиркорлар билан бевосита ишловчи лойиҳа гуруҳларига (фронт офис) ва бўлиmlа умумий фаолиятини таҳлил қилувчи гуруҳларга (бэк офис) бўлиmlади.

Вазирликнинг туман бўлиmlари, туман ҳокимлиги ҳамда МФЙ ўртасида маҳаллаларда камбағалликни қисқартририш бўйича уч томонлама “маҳалла шартнома”лари тузилади. Бунда, ушбу шартномада Вазирлик туман бўлиmlи ва ҳокимият — инфратузилмани яхшилаш, аҳолининг даромад манбаини оширишга шароит яратишга, маҳалла раиси — аҳолини ишга жалб қилиш, ҳудудни ободонлаштириш, жиноятчиларни камайтириш каби вазифаларга масъул бўлади.

Лойиҳавий ёндашув асосида ишлар куйидагича ташкил этилади:

оғир аҳволдаги 1000 та маҳалланинг инфратузилмасини яхшилаш (электрик энергияси, интернет, сув таъминоти) учун маблаглар Вазирлик томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида ажратилади;

Вазирлик ҳузурида юқори натижага эришган 50 нафар ҳоким ёрдамчилардан иборат “лоийҳа менежерлари” гуруҳи ташкил этилади ҳамда ҳоким ёрдамчиси кўрсаткичи паст туманга бириктирилади ва улар ўз тажрибасини шу маҳаллаларда жорий этади;

100 та энг намунавий микролоийҳалар каталоги яратилади ҳамда ҳоким ёрдамчилари орқали барча ҳудудларда оммалаштирилади;

2025 йилда 167 та туманининг жами 6680 гектар майдонида “бир контур — бир махсулот” тамойили асосида юқори даромадли ва экспортбоп қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштириш бўйича намунавий лойиҳалар амалга оширилади;

2026 йилда ҳар бир вилоятда камидан 2 тадан кўп қаватли комплекс саноат марказларини барпо этиш ва тадбиркорларни жойлаштириш лойиҳалари амалга оширилади;

саноат кириб бормаган маҳаллаларда 2025 йилда 1000 та, 2026 йилда 2000 та қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш ва кичик ишлаб чиқариш лойиҳалари ишга туширилади;

ҳар йили камидан 500 та хунармандчилик ва қасбачилик лойиҳалари маҳалланинг ўзида жорий этилади;

2025 йилда 2000 та маҳаллада, 2026 йилда қолган 2122 та маҳаллада салоҳиятли тадбиркорлар, экспортёрлар ва брокерлар билан ҳамкорликда етакчи тадбиркорларнинг фаолияти йўлга қўйилади (ҳозирда 5323 та маҳаллада мавжуд);

ихтисослашган маҳаллалар сони ҳар йили 10 фоизга ошириб борилади;

ҳар йили 50 минг нафар ўзини ўзи банд қилган фуқароларни босқичма-босқич кичик бизнес субъектларига айлантириш чоралари кўрилади.

Иккинчидан, бандликни ошириш ва касбга тайёрлашда замонавий усуллар татбиқ қилинади.

Иш бевувиликнинг эҳтиёжини ўрганиш асосида ишсизларни касбларга махсадли ўқитишни инobatта олган ҳолда касбий кўникмалар марказлари ташкил этилади. Бунда:

марказларда иш бевувилик талабига мослаштирилган экспресс-курслар ташкил этилади ҳамда амалий кўникмаларни бевосита иш жойида шакллантириш тизими яратилади;

марказларда халқаро тан олинган дастурлар жорий қилинади ва хоризжда тан олинган сертификатлар берилиши йўлга қўйилади;

ўқитиш жараёнига хусусий сектор кенг жалб қилинади ҳамда ишсизларни касб ва хоризжий тилга давлат буюртмаси асосида ўқитиш ташкил этилади. Бунда:

Вазирлик талаб юқори бўлган касб ва хоризжий тиллар ҳамда ўқитганлик учун тўланадиган давлат гранти миқдорини белгилайди;

ишсизларга касб ва хоризжий тилга ўқитадиган давлат ва нодавлат таълим ташкилотларини мустақил танлаш ҳуқуқи берилади;

фуқаро танлаган таълим ташкилотига грант маблагларининг 50 фоизи ўқиш бошланишидан олдин, қолган қисми якуний имтиҳон муваффақиятли топширилган тўлаб берилади;

касбий кўникмалар марказлари бинолари ўқув курслари ташкил қилиш учун хусусий секторга текин фойдаланишга ёки узоқ муддатли ижарага берилади;

Вакансиялар платформаси модернизация қилиниб, иш бевувилик ва иш изловчиларнинг “шахсий профилни” яратилади ҳамда йиллик 500 минг нафар фуқаронинг доимий иш билан таъминланишига эришилади;

фуқароларга ишга жойлашиш йўлланмасини экстерриториал тартибда исталган бандлик органлари орқали олишга рухсат берилади;

хусусий рекрутнинг ва HR компаниялар билан ҳамкорлик қилиш ва улар таклиф қилаётган бўш иш ўринларига фуқароларни жойлаштириш чоралари кўрилади.

Юқорида келтирилган чора-тадбирларни жорий қилиш натижасида:

2024 йил якунига қадар 500 минг, 2025 йилда 1 миллион аҳоли камбағалликдан чиқарилади.

Бунда, камбағал аҳолининг 410 минг нафари доимий иш билан таъминланади, 170 минг нафари касбга ўқитилди ва 430 минг нафари тадбиркорликка жалб қилинади.

2025 йил якунига қадар аҳолининг камбағаллик даражаси 6 фоизгача қисқартрилади.

Жойларда ишни “лоийҳавий ёндашув” асосида ташкил қилиш ҳамда тизимни тўлиқ рақамлаштириш ҳисобига норасмий бандлик улуши ҳар йили 1 миллион нафарга камайтирилади.

Ишсизларни манзилли аниқлаш, уларни юқори даромадли касбларга тайёрлаш ва ишга жойлаштиришнинг яхлит тизими яратилади.

ЎЗА

МЕНИНГ ТАНЛОВИМ — ОБОД ВАТАНИМ!

27 ОКТАБРЬ — ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ КУНИ



Мазкур мақола Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясига сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

3-бетга қаранг.



ҲАР БИР ЁШ ЎЗ ОВОЗИГА ЭГА

Сайлов кампанияси бошланганига 2 ойдан, депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти стартига эса 10 кундан ошаёттир. Мана шу юрт тақдири, демакки, ўз келажагига бефарқ бўлмаган бир фаол сифатида шу йил 27 октябрь куни бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайловига доир баъзи мулоҳазаларимни бўлишмоқчиман.

Аввало, мамлакатимизда сайлов жараёни йилдан йилга такомиллашиб, сайловга доир қонунчилигимиз, сайловнинг халқаро ҳуқуқ ва стандартларига уйғун ҳолда ўтаётганини алоҳида таъкидлаш ўринли. Буни ортиқча изоҳлашнинг зарурати бўлмаса керак. Бинобарин, сайловларнинг юқори савияда ўтказилаётганини нафақат халқаро кузатувчиларнинг хулосалари, балки жамиятимизда мазкур сиёсий жараёнга муносибат ўзгаргани, сайловчиларнинг дахлдорлиги ортиб бораётгани ҳам тасдиқлайди.

Ўзимдан қиёс, анча аввалги сайловларда таълим-билишлар, кўни-қўшниларим “Сайлов ўзини, кимни сайлашимиз керак, менинг ўрнимга ҳам сиз сайлай қолинг” қабилида мурожаат қилган бўлса, кейингиларида номзодларнинг салоҳиятига эътибор қарата бошладим. Бу гал эса кўпчиликнинг ушбу сайлов мутлақо янги ижтимоий-сиёсий муҳитда ўтказилаётгани билан боғлиқ муҳокамаларига гувох бўляпман.

Давоми 2-бетда

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ИЖРО ИНТИЗОМИГА РИОЯ ЭТИШ ИШИМИЗДА УНУМ ВА СИФАТ БЎЛИШНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Энг аввало, ҳар бир раҳбар иш фаолиятида, кундалик турмушида масъулиятни ҳис этса, касбига фидойилик, билим ва малакасини ишга солиб, амалга оширилайётган ислохотларнинг фаол ташаббускори ва ижросига айлансагина интизом ўз сўзини айтади, албатта. Шундагина ишда унум, ислохотларда натижа бўлади.

Сурхондарё бутун ҳар жиҳатдан ривожланиб, кечаги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган вилоятдан саноати ривожланиб бораётган, барча соҳаларда янгиланиш ва бунёдкорлик сари юз тутиб, халқаро муносибатларда ҳам пешқадам ҳудудга айлиниб бормоқда. Эришилаётган бу каби улкан ютуқ ва натижалар, кўлга кiritилаётган марраларга ижро интизомига

тўлақонли амал қилишни вилоятда фаолият юритаётган ҳар бир масъул раҳбар ўзининг пировард мақсади деб билаётгани асос бўляпти. **Ижро интизоми** шахсий масъулият, “темир интизом”, касбга бўлган меҳр ва профессионал маҳоратдир.

Бугунги сиёсат туфайли эришилаётган натижаларнинг туб негизидан эътибор энг муҳим ва долзарб масала ҳам, шубҳасиз,

ижро интизомига сўзсиз риюя этиш саналади. Қолаверса, қабул қилинаётган янги қонун, фармон, қарор ва Ўзбекистон тараққиёти учун муҳим бўлган ислохотларнинг ҳаётга татбиқ этилишида, аҳолининг фаровон турмушини таъминлаш, барча соҳаларда илғор натижаларга эришишда ҳам ижро интизоми муҳим ўрин эгаллайди.

Изчил ислохотлар ҳамда қонун ҳужжатлари ижросини ўз вақтида, муносиб тарзда реал ҳаётга татбиқ этиш **ҳар бир раҳбар ва ходимнинг бурчи, вазифаси** ҳисобланади.

Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари

ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони барча даражадаги раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш, давлат идоралари ва ташкилотларида ижро интизоми янада мустақамлаш имконини берибди.

Мазкур фармонга асосан, вилоятимизда ҳам “йўл харитаси”га мувофиқ ишлаш тизими йўлга қўйилиб, уларнинг натижаси мониторинг қилиб боришмоқда.

Давоми 4-бетда

Халқаро анжуман

МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИ

БМТНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ АСОСИЙ ТАМОЙИЛИГА ҲАМОҲАНГ

Самарқандда “Камбағалликдан фаровонлик сари” гоёси асосида “Маҳаллий аҳолининг турмуш даражасини оширишда маҳалланинг ўрни” мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Дунёнинг кўплаб нуфузли тузилмалари ҳамда етмишдан ортиқ мамлакат экспертларини ягона платформада бирлаштирган тадбирда ўзини ўзи бошқариш, камбағалликни қисқартриш, ёшлар сиёсати, ижтимоий ҳимоя, маҳаллада тадбиркорликни кенг жорий этиш каби йўналишларда Ўзбекистон ва жаҳондаги энг илғор тажрибалар ўрганилди.

Тадбир доирасида қатор маҳаллаларга борилиб, маҳаллабай тизим бўйича қилинётган ишлар, “маҳалла еттиллиги” ҳаётга татбиқ этаётган лойиҳалар билан танишилди.

Иштирокчилардан баъзиларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

Давоми 2-бетда

БУГУННИНГ МУҲАНДИСЛАРИ

илм-фан ва ишлаб чиқариш драйверига айланади

Бугун дунёда технологиялар, техник тизимлар мураккаблашмоқда. Шу билан бирга, уларнинг иқтисодий ва жамият ривожига ўрни ҳам кучайиб бормоқда. Жаҳон илм-фани тараққиётнинг янги босқичига кўтарилаётгани, демак, ҳар бир давлат шунга монанд ривожланиши керак. Шунинг учун ҳам муҳандислик таълими сифатига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳада кадрлар тайёрлаш ўзини замонавий талабларга йўналтирилиб, муҳандислик таълимини модернизация қилиш долзарб масалалар қаторига чиқди.



“Рақобат кучайиб борапти”, деган жумлани кўп кўлайимиз. Айтишга осон, лекин унинг замирида илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга муваффақиятли татбиқ этишдек вазифа ётади. Саноат тармоқлари иқтисодий инновацияларнинг драйвер соҳасига айлиниб бораётганидан очилаётган янги иш ўринлари меҳнат бозорига замонавий технологик жараёнларни бошқаришга қодир муҳандислар тайёрлашни талаб қилишини англаш мумкин.

Янги Ўзбекистон тараққиёти технологиялар ва инновацияларнинг жадал ривожланиши билан боғлиқ. Бу йўналишдаги энг муҳим вазифалардан бири замонавий муҳандислик технологияларига доир билимларни пухта эгаллаш, илм-фан ва техниканинг сўнгги ютуқларидан хабардор, қисқаси, юқори малакали муҳандислар тайёрлашдир.

Давоми 5-бетда



Болалар

НЕГА АСАБИЙ?

6



Айни пайтда мамлакатимиз ва халқимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеалик — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлиги учун шу йил 27 октябрда бўлиб ўтадиган сайлов доирасида сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти кизгин паллага кирди.

Эркин, демократик сайловларни дебатларсиз тасаввур қилиб бўлмайди



Жорий йил 22 сентябрдан бошланган сайловолди ташвиқотида пойтахтимизда ташкил этилган “Дебат Холл” медиа маркази ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Бинобарин, марказ сайловда иштирок этувчи сиёсий партиялар вакиллари ўртасида ўзаро фикр алмашиб, Сайловолди дастурларида илгари сурилган ташаббусларни таҳлил ва танқид қилиш учун махсус платформа вазирасини ўтапти. Бошқача айтганда, рақобатчилар ўртасида очiq сиёсий мунозара ва дебатлар ўтказиш учун кулай шароит яратилган.

Жумладан, навбатдаги теледебатда ҳам сиёсий партиялар вакиллари Сайловолди дастурларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда давлат бошқарувини такомиллаштириш ва қонун устуворлигини таъминлаш масалаларига доир долзарб таклиф ва ташаббусларини муҳокама қилди.

“Давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш” мавзусига бағишланган мунозара аввалида сайловни юқори даражада ташкил этиш, шу жумладан, сиёсий партиялар ва депутатликка номзодлар ўртасида баҳс-мунозаралар

ўтказишда теледебатларнинг ўрнига эътибор қаратилди.

— 27 октябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашларга депутатлик сайловлари учун теледебатлар жуда муҳим баҳс-мунозара майдонидир, — деди Миллий медиа бирлашмаси раиси Шерзодхон Қудратхўжа. — Эркин, демократик сайловларни дебатларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўтган теледебатда сиёсий партияларнинг раисларини таклиф қилдик ва бош мавзу сифатида

одамлар учун муҳим бўлган ижтимоий-иқтисодий йўналишларни таҳлил қилган эдик. Бугун эса ҳар қандай давлатнинг асосини белгилаб берувчи — давлат бошқарувини такомиллаштириш ва қонун устуворлигини таъминлаш масалаларини муҳокама қиламиз. Зеро, инсон манфаатларини таъминлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, орзу-интиллари рўёбга чиқариш ҳақида бирламчи вазифа ва мақсад бўлиши керак.

Бу йилги сайловолди ташвиқоти жараёни халқчиллиги, жамоатчилик билан узвий алоқаларнинг анча ривожлангани жиҳатидан янада аҳамиятли бўляпти. Бунинг инъикоси тўғрисида тўғри жонли эфирда узатилаётгани мазкур теледебат жараёнларида ҳам яққол сезилмоқда.

Жумладан, дебатнинг 1-раундида партияларнинг Сайловолди дастури қисқача тақдимот қилинди. 2-раундда аҳолини ташвишлантираётган масалалар бўйича жамоатчилик фаоллари ва сайловчиларнинг саволларига спикерлар жавоб берди. Саволларга партия вакиллари жавобини аниқ механизмларга асослангани, ҳар томонлама пухта ўйлангани билан диққатни жалб қилди.

3-раундда партиялар ўртасида қарама-қарши савол-жавоблар асосида баҳс ўтказилди. Сўнгги 4-раундда эса спикерлар сайловчиларга муурожаат йўллади.

Жонибек АЛИЖОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ҲАР БИР ЁШ ЎЗ ОВОЗИГА ЭГА



Матлубахон ТИЛЛАВОЛДИЕВА, Низомий номидаги ТДПУ профессори, фалсафа фанлари номзоди, доцент

Бошланиши 1-бетда

Дарҳақиқат, бу йилги сайлов аввалгиларидан анча фарқ қилади. Мана шу сиёсий жараён иштирокчиси — сайловчи ўлароқ мен бу ижобий ўзгаришларни кўйидаги жиҳатларда кўраман.

Биринчидан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайлови илк бор мамлакатимизда аралаш сайлов тизими асосида бўлиб ўтади. Албатта, бу тизимнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий афзалликлари ҳақида оммавий ахборот воситаларида кўп айтилди. Шундай бўлса-да, аралаш тизим асосида бўлиб ўтадиган сайловнинг аввалгиларидан энг асосий фарқли жиҳати қисқача тўхталиб ўтсак.

Демак, аввалги сайловларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 150 нафар депутатни мажоритар тизим асосида, яъни сайловчилар ўзларига мақбул номзодларга овоз бериши йўли билан сайлаган бўлсак, бу сафар 75 нафарини шу тартибда сайлаймиз. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг қолган ярмини

эса пропорционал тизим, бошқача айтганда, сиёсий партияларга берилган овозлар асосида сайлаймиз. Бир сайловда икки сайлов шаклидан фойдаланиш аралаш сайлов тизимини вужудга келтиради.

Биз халқимиз ҳаёти фаровонлиги, мамлакатимиз тараққиёти учун муҳим мазкур сиёсий жараённинг яна бир аҳамиятли жиҳатига тўхталмоқчимиз. Гап шундаки, бу галги сайловолди ташвиқотида ёшларга алоҳида эътибор қаратиляпти ва ўз навбатида, ёшларимизнинг фаоллиги кўзга ташламоқда. Ҳўш, бу нимаси билан муҳим дейишнинг мумкин.

Марказий сайлов комиссияси маълумотига кўра, ушбу сайловда 700 мингга яқин ёш биринчи марта овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланади. Бу масала шунини билан аҳамиятлики, ҳеч қайси бир замон ёки маконда жамият ҳаётига янги бир тизимни таъбиқ этиш осон кечмаган. Чунки инсон табиати шундай: ўзи ўрганган, мослашган муҳитни унча-мунчага ўзгартиргиси келмайди. Биз айтётган

Ёшларнинг жамият ҳаётига дахлдорлиги ва миллий тараққиётимизда тутган ўрни ҳақида муҳим бўлиб келган. Кейинги йилларда ёшлар сиёсатига алоҳида эътибор қаратиляётгани, йигит-қизларимиз ҳар тарафлама қўллаб-қувватланаётгани, уларга кенг имкониятлар, имтиёзлар бериляётгани замирида ана шу ҳақиқат моҳияти турибди.

янгилек уларнинг ҳаётини яхшилашга хизмат қилишини жамият нуқтаи назаридан кўпчиликка тушунтириш ва омалаштириш эса вақт талаб этадиган жараён.

Шу маънода, ёшларнинг ҳал қилувчи куч эканидан келиб чиқилса, бу табиий қовундан ранг олади”, деган гап бор. Дарҳақиқат, шундай. Бугунги тадбиркорлик муҳитини қаранг, аксарият янги ва ёш тадбиркорларимиз ака-укалари, ёш-агрофидио танишлари, устозларидан улги, маслаҳат, қувват олиб, катта-катта лойиҳаларга қўл урляпти. Ўз навбатида,

уларга жамиятимизда ҳавасмандлар қатлами кенгаймоқда ва пировадиди тадбиркорлик кенг ривожланыпти.

Ҳудди шундай, жамиятда ҳуқуқий маданияти ва юрт тақдирига дахлдорлиги юқори авлодни шакллантириб бориш мамлакатни юксак тараққий эттиришининг асосий пойдевори бўлади.

Ёшларнинг жамият ҳаётига дахлдорлиги ва миллий тараққиётимизда тутган ўрни ҳақида муҳим бўлиб келган. Кейинги йилларда ёшлар сиёсатига алоҳида эътибор қаратиляётгани, йигит-қизларимиз ҳар тарафлама қўллаб-қувватланаётгани, уларга кенг имкониятлар, имтиёзлар бериляётгани замирида ана шу ҳақиқат моҳияти турибди.

Сайловдаги иштироки орқали ёшларнинг фаоллиги ана шу юксак эътиборга муносиб жавоб бўлиши билан бирга, ватан тақдирини, юрт ободлигини, бугун ва эртаси учун дахлдорлик ҳиссини оширади.

Қолаверса, 20 мингга яқин ёш бу йилги сайлов комиссиялари фаолиятида

бевосита иштирок этиш орқали ҳам ўз сиёсий фаоллигини ифода этиб келмоқда.

Аввалги сайловларга қараганда бу савол номзодлар ҳам анча ёшаргани юқоридаги фикримизни тўлиқ тасдиқлайди. Маълумотларга кўра, давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловида депутатликка номзодларнинг 3 минг нафардан ортигини ёшлар ташкил этади.

Умуман, сайловда ҳар бир сайловчининг танлови муҳим. Айниқса, сайлов ва ёшларнинг узвий боғлиқ муҳимлик жиҳатларидан келиб чиқсак, ҳар бир ёш ўз овозига, яъни мустақил танловига эга экани жуда қувонарли.

Халқаро анжуман

Бошланиши 1-бетда



Ишбилармон аёллар сафи икки баробар кенгайди

Озода ПАРПИЙОБЕВА, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси

— Халқаро анжуманда сўзга чиққан миллий ва халқаро экспертларнинг юртимизда маҳалла институти фаолиятини ривожлантириш бўйича қилинаётган ишлар ҳақидаги фикрлари барчамизда катта таассурот қолдирди. Зеро, маҳалла давлатчилигимизнинг ноёб илдизи, ижтимоий давлат тушунчасининг ажралмас қисми, фуқаролик жамиятининг асосий тимсоли бўлган бебаҳо қадриятдир.

Мутахассислар таъкидлаганидек, маҳалла шунчаки ижтимоий институт эмас, балки инсон камолотини таъминлаш, жамиятда ўзаро меҳр-оқибат, тотувлик муҳитини яратишда ҳам муҳим ўрин тутадиган маскан. Бугун маҳалла тизимиди кенг қамровли ислохотлар барча юртдошимиз қатори хотин-қизлар ҳаёти ва

МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИ

БМТНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ АСОСИЙ ТАМОЙИЛИГА ҲАМОҲАНГ

фаолиятида ҳам туб ўзгаришлар ясамоқда. Хусусан, “маҳалла еттилиги” тизимининг йўлга қўйилиши, аввало, аёлларни қийнаётган муаммоларни аниқлаш ва ечимини топиш, қолаверса, опа-сингилларимиз

бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим омил бўляпти. Маълумотларга кўра, бугун юртимизда ишбилармон аёллар сафи икки баробар кенгайиб, ўз бизнесини йўлга қўйган тадбиркор хотин-қизлар сони 200 мингдан ошди, иқтисодийёт ва саноат тармоқларида аёллар улуши 46 фоизни ташкил этмоқда. Кичик бизнес субъектларининг 120 мингдан, хусусан, фермер хўжаликларининг 4 мингдан ортигини хотин-қизлар бошқармоқда. Келгуси икки йилда кичик ва ўрта бизнесда хотин-қизлар улушини ҳозирги 25 фоиздан 40 фоизга ошириш бўйича улкан мақсад қўйилган.

“Аёллар дафтари”, “Обод маҳалла” каби ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар маҳаллаларда инфратузилмани яхшилаш, оилалар даромадини оширишда катта имконият яратмоқда.

“Маҳалла еттилиги” замонавий билимларни чуқур эгаллаши лозим

Хуршид ОЧИЛОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси тизимидаги ўқув-услубий марказ директори

— Маҳалла жамиятимизнинг таянч бўғинидир. Шу боис, бу тизимни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Жумладан, соҳани рақамлаштириш, ўзини ўзи бошқариш органларида замонавий технологияларни жорий этиш, илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва малака ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича изчил ишлар бажарилляпти. Натижанда маҳалладан туриб барча давлат идорасига муурожаат қилиш тизими йўлга қўйилди. Давлат ва ижтимоий хизматларни бевосита маҳаллада кўрсатиш имконияти яратилди.

Бошқарувда янги ёндашувлар асосида биргаликда ишляйдиган “маҳалла еттилиги” фаолияти йўлга қўйилди. “Рақамли маҳалла” ягона электрон платформаси ишга туширилди. Табиийки, бу ўзгаришлар тизимдаги кадрлар малакаси, билими ва кўникмасини оширишни тақозо этмоқда. Шундан келиб чиқиб, уюшма тизимда малака ошириш ва маҳаллаларни методик таъминлаш ўқув-услубий маркази ташкил этилди.

Марказимизда замонавий шароитда маҳалла ходимларининг касбий билими ва савиясига қўйилаётган талабларни ҳисобга олган ҳолда малакасини ошириш, давлат ва ҳудудий дастурларни ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни сифатли ижро этиш кўникмаларини шакллантиришга эътибор қаратилямоқда. Ўтган қисқа муудатда



ҳокимликлар ҳузуридидаги маҳалла ходимларининг малакасини ошириш бўйича 14 та ўқув курси раҳбарлари учун ўқув-семинар ўтказилди.

Бундан ташқари, маҳалла сервис компаниялари раҳбарлари учун ўқувлар ташкил этилди. Шунингдек, “маҳалла еттилиги” аъзоларининг билими ва кўникмасини оширишга қаратилган, 2024 йилга мўлжалланган ўқув дастури ҳамда онлайн платформа ишлаб чиқилди. Бугунга қадар барча маҳалла раислари мана шу ўқув дастури асосида ўқитилди.

“Маҳалла еттилиги” ходимларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида ҳудудларда учрашувлар, давра суҳбатлари, тарғибот тадбирлари ташкил этилди.

Мазкур халқаро анжуманда юртимиз ва хоризжда бу йўналишда қилинаётган ишлар, янги тажрибалар билан танишдик. Ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича фикр алмашдик.

Сабине МАХЛД, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори

— 2024 йил 1 июнда БМТнинг доимий вакили сифатида Ўзбекистонга келдим ва 2012 йилдаги сўнгги ташрифимдан кейинги ўзгаришлардан хайратга тушдим. Ўзбекистонда инсон кадр-қимматига катта эътибор қаратиляб, ислохотлар марказига инсон омилини қўйган ҳолда кенг қўламли ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Ҳеч ким эътибордан четда қолмаяпти

БМТнинг доимий вакили сифатида Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги маҳаллаларда бўлиб, бунинг яққол гувоҳи бўлдим. Жумладан, БМТнинг Қорақалпоғистонда, хусусан, Мўйноқ, Қўнғирот, Бўзатов ва Тахтақўпир туманларидаги 15 мингдан ортиқ одамни тоза ичимлик сув ва иқлимга чидамли табиий хизмат билан таъминлашга қўйилган ҳиссасини кўрдим.

Қашқадарёдаги Ёртепа маҳалласида бўлдим. Бу ерда БМТнинг Озиқ-овқат ва кишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) фермер аёлларни иссиқхоналар билан таъминлаб, даромад топиш учун зарур ресурсларни таъминлагани амин бўлдим.

Сурхондарёдаги Гулистон маҳалласи Шўрчи давлат хизматлари марказидан атиги 3 километр узоқликда жойлашган. БМТ Тараққиёт дастури кўмағида бу ерда маҳаллий аҳоли учун қулайлик ва



ўзига ўзи хизмат кўрсатиш имконияти яратилган.

Маҳаллий ҳокимият вакиллари, ёшлар, фермер аёллар, тадбиркорлар ва кексалар билан мулоқотга бой ўтган ушбу сафарлар Ўзбекистон халқининг матонатига ва ижобий ўзгаришга ҳақида чуқур таассурот қолдирди. БМТ Бош котиб Антониу Гутерриш ҳам Ўзбекистонга ташрифи чоғида Тошкент шаҳридаги Дилбулоқ маҳалласида маҳаллий аҳоли билан учрашиб, маҳалланинг аҳамиятини эътироф этган эди.

Жамиятнинг юраги бўлган маҳалла БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларининг асосий тамойили бўлган “ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” госянини ўзида мужассам этади. Бу жамият бирлиги ва ўзаро қўллаб-қувватлашни рағбатлантиришда ҳамда энг заиф қатламларнинг ҳам имкониятлардан фойдаланишини таъминляпти. Маҳалла халқ ва ҳукумат ўртасида кўприк вазифасини бажариб, жамоавий ривожланиш ташаббусларини фаол илгари суради.

БМТнинг доимий вакили сифатида Ўзбекистоннинг барча вилоятига боришни, БМТ фаолияти Ўзбекистон халқининг орзу-умидлари ва интилларида мос келишини таъминлаш учун одамлар билан учрашини режалаштирганман.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Баҳор ХИДИРОВА ёзиб олди.



КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ — ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ КАФОЛАТИ

ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

“Адолат” СДПнинг “Тенг имкониятлар ва адолатли жамият сари!” деб номланган янги Сайловолди дастурида келгуси беш йилликда партия олдида турган устувор вазифа сифатида жамиятда ижтимоий адолат тамойилини қарор топтириш белгиланган. Фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва бу йўналишда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида дастурда “Ижтимоий давлат — 2030” дастурини ишлаб чиқиш белгиланган. Ижтимоий давлат ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат тамойиллари асосида муносиб яшаш шароитини яратиб бериш, ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш бўйича самарали сиёсат олиб борадиган давлат моделидир.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ушбу мақсадни амалга ошириш учун ўз дастурида аҳоли ўртасида кескин табақаланишнинг олдини олиш, бунинг учун ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа чораларни қўриш лозим деб ҳисоблайди. Қолаверса, партия аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг энг муҳим йўналиши бўлган фуқароларнинг уй-жой бўлишига оид конституциявий ҳуқуқларини рўйбега чиқариш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратган.

Маълумки, сўнгги йилларда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали даромади юқори бўлмаган ҳамда уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган оилалар, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёшлар ва бошқа аҳоли қатламлари кўмаклашиш ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашда манзиллик ва шафдофликни таъминлашга қаратилган бир қатор самарали механизмлар жорий қилинди.

Хусусан, субсидиялар учун ажратилган маблағларни ўзлаштириш жараёнини тезлаштириш мақсадида субсидия хабарнома-сининг муддати 12 ойдан 4 ойгача қисқартирилди. Шу билан бирга, субсидияни ўз вақтида ишлаб чиқариш учун субсидия олиш учун қайта мувожаат қилиш ҳуқуқи сақланиб қолди.

Аммо ушбу жараёнларда тадбиркорларнинг субсидия асосида уй сотиши билан боғлиқ ҳолатлардаги бюрократик тўсиқлар ҳамда рақамлаштиришнинг кенг қўлланилмаслиги айрим ҳолатларда тадбиркорларни ўзлари қурган уйлари субсидия асосида сотишдан чекламоқда.

Биз субсидияларни фақатгина давлат ҳисобидан эмас, балки қилиш компанияларини ҳам бу жараёнга жалб қилган ҳолда амалга оширишни таклиф этмоқдамиз. Хусусан, субсидия асосида уй-жой қуриш ва сотишни йўлга қўйган тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш, солиқ имтиёзлари бериш, ер майдонлари ажратишда устуворлик бериш каби механизмлар орқали бунга эришиш мумкин.

Шу боис, партия келгуси беш йилликда субсидияларни ҳақиқатан муҳтож бўлган фуқароларга ўзлари танлаган ҳудуддан уй-жой қуриш ва сотиб олиш учун имтиёзлар ажратиш тизимини такомиллаштириш, бунда субсидия асосида уй сотган тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ташаббусларини илгари суради.

Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтмоқчиман. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида ҳамамали уй-жойларни барпо этаётган қурилиш компаниялари ва тижорат банклари даромаддан мажбурий ажратмалар эвазига махсус жағғармалар ташкил этиб, ушбу жағғарма ҳисобидан аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламлари учун ижтимоий турар жойлар қуриш таклиф этилган.

Маълумки, сўнгги йилларда қурилиш ва банк соҳаларида қонунчилик нормаларининг такомиллаштирилиши, рақобат муҳитининг яратилганлиги минглаб инсонларни ўз уйларига эга бўлишларида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ушбу ташаббуси амалга ошириладиган бўлса, сўнгги йилларда энди оёққа тураётган қурилиш соҳаси ривожланишига салбий таъсир қилиб ва соҳада рақобат муҳитининг бузилишига олиб келиши мумкин.

Маълумки, янги таҳрирдаги Конституцияда Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланиши ҳамда хусусий мулк дахлсиз бўлиб, мулкдор ўз мол-мулкдан қонунад назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Бирок сўнгги вақтларда реновация жараёнлари оид қабул қилинган айрим қарорлар орқали аҳоли яшаб келаётган турар жой бинолари ва бошқа ижтимоий объектларни

бузиш ва қайта қуриш билан боғлиқ салбий ҳолатлар кузатилаётганда. Бу эса фуқароларнинг энг муҳим конституциявий ҳуқуқи бўлиши уй-жойли бўлиш, мулкдор бўлиш ҳуқуқига тўғриватган тўғри дахл қилади. Партия уй-жой билан боғлиқ бундай лойиҳалар мустақкам қонуний асосга таяниши, уй-жой мулкдорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари реновациянинг ҳар бир босқичида қонунидан ишончли ҳимоя қилингандагина самарали амалга оширилишини ҳисобга олиб, янги Сайловолди дастурида реновацияга доир қонуни ишлаб чиқиш, уни амалга оширишнинг қатъий талаб ва тартиблари, уй-жой мулкдорлари ҳуқуқларига риоя этиш кафолатлари бўлмаганча бундай лойиҳаларни амалга оширмастик таклифи илгари сурилган.

ИЖТИМОЙ ОБЪЕКТЛАР ФАҚАТ ХАЛҚНИКИ БЎЛИШИ КЕРАК

Партиянинг 2025-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида жамиятда ижтимоий адолат тамойилини қарор топтиришга қаратилган ижтимоий йўналишдаги ташаббуслар акт этирилган. Шу билан бирга, дастурда бошланган халқчил ислохотларни узвий давом эттириш, бугунги глобаллашув жараёнларидан келиб чиққан ҳолда ҳам вазифа ва мақсадлар белгиланган.

Таҳлилларга кўра, ҳозирги кунга қадар Республика бўйича 184 та истироҳат боғлари, 944 та бино-иншоот қурилган, 18 та истироҳат боғида 91 та ноқонуний қурилма мавжуд эканлиги аниқланган, 98 тасида 1248 та аттракционлар ноқонуний ўрнатилгани кузатишган.

Қолаверса, истироҳат боғларининг ерларини маҳаллий ҳокимият захирасига олиш ва кейинчалик хусусийлаштириш ёки бегоналаштириш амалиёти кузатишмоқда.

Шу боис, партия дастурида истироҳат боғлари, болалар оромгоҳлари, сайилгоҳлар, таълим ва тиббиётга оид давлат объектлари ва уларнинг ҳудудларини сотиш, хусусийлаштириш ёки бегоналаштиришни тақиқлаш, бундай ҳаракатлар учун жавобгарлик белгилашни таклиф қилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, баъзи ҳолатларда айрим сиёсий партия томонидан илгари сурилган ташаббуслар қанчалик жозибадор бўлмасин, чуқур таҳлил ва асосга эга бўлмагани учун сайловчилар фикрини чағалитиши мумкин.

Мисол учун, Экологик партиянинг 2030 йилдан пойтахт ва йирик шаҳарларда ички ёнув двигателли энгил автомобиллар ҳақида, 2035 йилдан эса мамлакатда уларнинг сотилишини тақиқлаш ташаббусини олайлик.

Бугунги кунда мамлакатимизда 4 миллиондан ортиқ автомобиль мавжуд. Партия ушбу ташаббуси амалга ошса, бу машиналарнинг тақдирини нима бўлиши, қандай қилиб 2030 йилдан пойтахт ва йирик шаҳарларда ички ёнув двигателли энгил автомобиллар ҳаракатини тақиқлаш ва автомобил саноти мамлакатимиздаги электромобилларга бўлган талабни қондира оладими, бунда аҳоли даромадининг ва мамлакатдаги инфратузилманинг бунга тайёрлик ҳолати аниқ таҳлил қилинмаган.

Сайловолди дастурида мамлакатимиз аҳолисига қўлайлик яратишга қаратилган бир қатор таклифлар ҳам ўрин олган.

Партия мамлакатимизнинг чекка ҳудудлари ва кичик шаҳарларнинг ривожланишини жадаллаштириш, ҳудудлар ва пойтахт орасидаги кескин иқтисодий ва ижтимоий тафовутга йўл қўймастик мақсадида шаҳар ва қишлоқларимизда аҳоли истиқомат қилиши учун зарур шарт-шароитларни янада кенгайтиришни долзарб вазифа деб билади.

Шунингдек, партия йўл инфратузилмасини ривожлантириш, шаҳарлар марказларида тирбандликлар ва бошқа кўнгилсиз оқибатлар келиб чиқишининг олдини олиш

мақсадида пиёдалар учун ер усти ўтказгичлар қуришни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг вақтини тежаш, манзилига ўз вақтида етиб боришни таъминлаш мақсадида жамоат транспортлари қатновини тартибга солиш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш борасида амалий ишларни ҳаётга таъбиқ этишни мақсад қилган.

ЁШ МУТАХАССИСЛАРНИ КАФОЛАТЛАНГАН БИРИНЧИ ИШ ЖОЙИ БИЛАН ТАЪМИНЛАЙМИЗ

Партия ўз дастурида фуқароларни иш билан таъминлаш, ҳодимларнинг меҳнат ҳуқуқлари муҳофазасини кучайтиришга қаратилган бир қатор долзарб бўлган таклифларни илгари сузмоқда.

Биламизки, бугунги кунда мамлакатда амалга ошириладиган ислохотлар натижадорлигини таъминлашда замонавий талабларга жавоб беришни профессионал кадрларнинг ўрни юқори. Шу боис, сўнгги йилларда таълим тизимини тубдан ўзгартириш, уни халқро қандайдирга мослаштириш, меҳнат бозори талабига мос юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш бўйича изчил

**““
Партия дастурида истироҳат боғлари, болалар оромгоҳлари, сайилгоҳлар, таълим ва тиббиётга оид давлат объектлари ва уларнинг ҳудудларини сотиш, хусусийлаштириш ёки бегоналаштиришни тақиқлаш, бундай ҳаракатлар учун жавобгарлик белгилашни таклиф қилган.
””**

амалга оширилиши орқали минглаб аҳолининг ижтимоий ҳимояси таъминланишига, қолаверса, солиқ тушумларида муайян иқтисодий ўсишга эришишга хизмат қилади.

ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ИСЛОХОТЛАРНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Шубҳасиз, ижтимоий адолат тамойиллари устувор давлат барпо этишда, биринчи навбатда, таълим, илм-фан ва инновациянинг аҳамияти жуда катта. Ижтимоий

қисмин ташкил этувчи ўқитувчиларнинг машаққатли меҳнатини муносиб қадрлаш ва рағбатлантириш бундан кейин ҳам доимий диққат-эътиборимизда бўлади.

Маълумки, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси таълимнинг ҳар бир босқичида аҳолининг барча қатлами учун тенг имконият ва шароит яратиб бериш, олий таълим тизимида имтиёзларни бекор қилиш ташаббусини илгари суриб келди.

Шу боис, “Адолат” партияси “Миллий тикланиш” демократик партиясининг “Янги авлод тарбиячи ва педагогларини тайёрлаш Давлат дастури”ни қабул қилиш, шунингдек, педагогикага лаёқати бор мактаб битирувчиларини саралаш ва давлат

тиббиёт ҳодимларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва уларнинг ҳуқуқларини кафолатлашни, шу билан бирга, олис ва чекка ҳудудлардаги оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда тор соҳа мутахассислари фаолиятини йўлга қўйишни таклиф қилмоқда.

Жумладан, дастурда “ақлли тиббиёт” тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиб, тиббиёт соҳасига замонавий ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этишни кенгайтириш гоёси илгари суриляпти.

Бундай самарали тиббий тизим ҳамда тиббиёт ҳодимларини қонун йўли билан ҳар томонлама ҳимоя қилиш жаҳоннинг қатор ривожланган давлатларида, жумладан, Германия, Франция, АКШ ва Исроилда амалиётда кенг қўлланилмоқда.

Қолаверса, партия “ақлли тиббиёт” тизими билан бир қаторда “электрон поликлиника” ва “ягона электрон анкета” тизимларини йўлга қўйиш, тиббиёт даромад олиш манбаига айланиб қолмаслиги учун нодавлат тиббиёт ташкилотларини “тижорат ташкилоти”дан нотижорат ташкилотига ўтказиш тарафдори.

Ҳозирги кунда республикаимизда қўллаб-қувватлаш тиббиёт ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

Бироқ уларнинг тадбиркорлик субъекти, яъни тижорат ташкилоти сифатида рўйхатга олинганлиги, бир томондан, айрим нодавлат тиббиёт ташкилотларида инсон саломатлигини асрашдан кўра даромад топишни устуни қўйилишига олиб келмоқда. Иккинчи томондан эса улар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатилган тўсиқлик қилмоқда.

Шу боис, партия нодавлат тиббиёт ташкилотларининг алоҳида ҳуқуқий мақоми қонунда белгилаб қўйишни, яъни уларни “тижорат ташкилотидан” нотижорат ташкилотига ўтказишни таклиф қилмоқда. Бу эса мазкур тиббиёт ташкилотлари фаолияти устидан уларнинг молиявий ҳўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда жамоатчилик назорати тартибига ўрганиш, уларнинг даромад олиш манбаига айланиб қолмасликлари таъминлаш имконини беради.

Шунингдек, партия ўз дастурида фармацевтика соҳасини тартибга солиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни таклиф этар экан, бундай тизим энг биринчи талда фармацевтика ва тиббиёт ҳодимлари орасидаги яширин келишувларга ҳамда дорилар нархининг асоссиз оширилишига чек қўяди деб ҳисоблайди.

Шу боис, партия фармацевтика ва тиббиёт ҳодимлари орасидаги яширин келишув ва ноқонуний мулоқот, фармацевтларнинг тиббиёт муассасаларига ғаразли ҳомийлигини тўлиқ тақиқлаш, бу каби ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгилаш тарафдори.

Шу билан бирга, партия дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг аҳолига арзон ва қўлай бўлишини таъминлаш мақсадида дориларнинг ягона электрон базасини шакллантириш ва мамлакат бўйлаб яхлит электрон тизимни жорий қилиш ҳамда дори нархларининг сунъий оширилишини олдини олиш мақсадида хоржий таъриба асосида дори воситаларининг ҳаракатланиш заңирини кузатиш технологиясидан фойдаланишни йўлга қўймоқчи.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлиги учун бўлиб ўтдиган сайловларда илгари сураётган Сайловолди дастурида юқоридаги каби замонавий социал-демократиянинг халқчил гоёлари миллий қадриятларимизга уйғун равишда сингдирилган бўлиб, жамиятда адолат, эркинлик, тенглик ва бирдамлик гоёларини ҳаётга таъбиқ этилиши аҳоли турмуш қарорлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон — бизнинг умумий уйимиз. Шундай экан, унинг ҳар бир аъзоси эркин, адолатли, тинч ва фаровон яшашга ҳақлидир!

Тенг имкониятлар ва адолатли жамият сари!

Муҳаммад ВАЛИЕВ,
Ойдин АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутатлари



ислохотлар амалга оширилмоқда. Партияимиз дастурида малакали кадрлар тайёрлаш ва битирувчиларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис, партия таълимга инвестиция — бу келажакка инвестиция, халқ фаровонлиги, давлатнинг рақобатдошлигини таъминловчи омил сифатида қарамоқда. Партия узлуқсиз таълим тизимини мунтазам такомиллаштириш, сифатли таълим-тарбия бериш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш тарафдори. Бу борада таълимнинг ҳар қандай турида таълим муассасаларига қабул қилиш тартибин ишлаб чиқиш, айниқса, давлат мактабгача таълим ташкилотларига тарбияланувчиларни қабул қилиш тартибин қайта кўриб чиқиш, бу борада “очиқ онлайн рўйхат” ташкил этиш зарур деб ҳисоблайди.

Шунингдек, мактабларда ўқитиладиган “Технология” фани ўқувчиларнинг келажати учун ўта муҳим аҳамият касб этишдан келиб чиқиб, ушбу фанни ўқитишни замон талаблари асосида йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, сунъий интеллект асосида “ақлли мактаб” дастурини таълим тизимига жорий этишни таклиф этмоқда.

Шу билан бирга, таълим соҳасидаги ислохотларни қўллаб-қувватлашда партия таълим соҳасида меценатликни ривожлантириш учун қонунийликни такомиллаштириш, тадбиркорлар ва компаниялар стипендияларини жорий этилишини қўллаб-қувватлайди.

Янги таҳрирдаги Конституцияимизда ўқитувчи мақоми алоҳида белгилангани бежиз эмас. Зеро, жамиятимизда ўқитувчининг обрўси ошса, бутун миллатнинг обрўси ошади. Шу боис, партияимиз электротанининг асосий

давлатга хос бундай ёндашув, яъни таълим соҳаси бўйича нормалар янгиланган Конституцияда қарийб 2 баробарга оширилди.

Шу боис, партия таълимга инвестиция — бу келажакка инвестиция, халқ фаровонлиги, давлатнинг рақобатдошлигини таъминловчи омил сифатида қарамоқда. Партия узлуқсиз таълим тизимини мунтазам такомиллаштириш, сифатли таълим-тарбия бериш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш тарафдори. Бу борада таълимнинг ҳар қандай турида таълим муассасаларига қабул қилиш тартибин ишлаб чиқиш, айниқса, давлат мактабгача таълим ташкилотларига тарбияланувчиларни қабул қилиш тартибин қайта кўриб чиқиш, бу борада “очиқ онлайн рўйхат” ташкил этиш зарур деб ҳисоблайди.

Шунингдек, мактабларда ўқитиладиган “Технология” фани ўқувчиларнинг келажати учун ўта муҳим аҳамият касб этишдан келиб чиқиб, ушбу фанни ўқитишни замон талаблари асосида йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, сунъий интеллект асосида “ақлли мактаб” дастурини таълим тизимига жорий этишни таклиф этмоқда.

Шу билан бирга, таълим соҳасидаги ислохотларни қўллаб-қувватлашда партия таълим соҳасида меценатликни ривожлантириш учун қонунийликни такомиллаштириш, тадбиркорлар ва компаниялар стипендияларини жорий этилишини қўллаб-қувватлайди.

Янги таҳрирдаги Конституцияимизда ўқитувчи мақоми алоҳида белгилангани бежиз эмас. Зеро, жамиятимизда ўқитувчининг обрўси ошса, бутун миллатнинг обрўси ошади. Шу боис, партияимиз электротанининг асосий

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ИЖРО ИНТИЗОМИГА РИОЯ ЭТИШ ИШИМИЗДА УНУМ ВА СИФАТ БЎЛИШНИ ТАЪМИНЛАЙДИ



Улуғбек ҚОСИМОВ, Сурхондарё вилояти ҳоқими

Бошланиши 1-бетда

Зеро, мамлакат тараққиёти, ривожланиши ва янгилинишлар жараёнида ҳаётга татбиқ этилаётган ҳар бир ҳужжатда белгилаб қўрилган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш доимо муҳим.

Барча соҳалардаги кенг қамровли ислохотлар натижасини ҳар бир маҳалла ва хонадонгача етказиш, топшириқлар ижросини таъминлаш, “фуқаробой” ишлаш тизимини жорий этиб, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, даромад манбаига эга бўлиб, жамиятнинг фаол иштирокчисига айлантириш орқали аҳолини камбағалликдан чиқаришни ҳудуддаги ҳар бир масъул раҳбар биринчи галдаги вазифасига айлантириб олган.

Мурожаатлар манзилли ҳал этилмоқда

Бугунги кунда инсон қадр тобора юксалиб, аҳолининг барча йўналишлардаги тақлиф ва ташаббуслари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Айниқса, ижтимоий масалалардаги изчил ислохотлар фикримиз тасдиғидир. Яна бир муҳим жиҳатга алоҳида эътибор қаратсак, Фуқароларнинг дардига қулоқ тутиш, муаммо ва масалаларини ҳал этишни энг муҳим вазифа деб билган ҳолда бугунги кунга қадар аҳоли билан жойларда 17 мартаба оммавий сайёр қабул, 1 мартаба “Халқ билан мулоқот” телекўрсатuvi орқали мурожаат қилган 4421 фуқаронинг 4600 дан ортиқ муаммоси тинланиб, 3271 таси ижобий ҳал қилинди.

Бундан ташқари, ўтказилган сайёр қабулларда аҳоли мурожаатлари асосида ички йўлларга тош-шағал ва асфальт ётқизиш учун 10 миллиард 154 миллион сўм ажратилди.

Аҳолининг тизимли муаммоларини аниқлашда оммавий ахборот воситалари, журналист ва блогерлар билан тўғридан тўғри ҳамкорлик йўлга қўйилган. Натижада улардан 1200 дан зиёд мурожаат ва муаммоли масала келиб тушган. Улар ижобий ҳал этилиб, аҳоли розилиги таъминланмоқда.

Аҳоли бандлиги — фаровонлик омили

Аҳоли бандлиги таъминланса, реал даромадлари ортиб, оилалар фаровонлиги ошади. Вилоятда жорий йилнинг январь-

август ойларида 273,7 мингта янги иш ўрни яратилиши белгиланган ҳолда, амалда 315,3 мингта иш ўрни очилди.

Бу борадаги ишларни янада жонлантириб, йил якунига қадар биргина савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида 80,5 минг кишининг бандлигини таъминлашни мақсад қилганмиз.

Вилоятда меҳнатга лаёқатли бирорта ҳам ишсиз фуқаро бўлмастлиги, ҳар бир оиланинг турмуши обод, реал даромадлари юқори бўлишини мақсад қилган ҳолда ҳаракат қилишимиз зарур.

Сурхондарёда “Сайхунобод тажрибаси”

Изчил ислохотларнинг узвий давомий сифатида вилоятда “Сайхунобод тажрибаси” асосида аҳоли бандлиги таъминлаб, тадбиркорликка жалб этилмоқда. Тижорат банклари иштирокида ҳар бир маҳалланинг ихтисослашуви ва имкониятларидан келиб чиқиб, бизнес-режалар ишлаб чиқиладиган ва ҳаётга татбиқ қилинмоқда.

Воҳамизнинг ҳар бир қарич олтинга тенг унумдор ерида томорқадан юқори даромад кўриш ва қишлоқ хўжалигидан самарали фойдаланиб, иқтисодий салоҳиятини янада ошириш устувор вазифаларимиздан биридир. Мавжуд ерлардан самарали фойдаланиш билан бирга, Президентимизнинг 2024 йил 5 апрелдаги “Ешларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, вилоятда жорий йилда 25 минг 59 гектар ерни янгидан ўзлаштириш ва қайта фойдаланишга киритиш белгиланган. Ушбу топшириқни йил якунига қадар тўлиқ бажарамиз. Ерни қайта фойдаланишга киритиш бўйича аниқ мақсад ва режаларимиз бор. Ўзлаштирилган ҳамда қайта фойдаланишга



кўшимча даромад олиш имконияти яратилди. Шунингдек, 59 маҳалладаги 2,4 мингта хонадонда доривор ўсимликларни кооперация усулида етиштириш йўлга қўйилди.

482 мингта хонадондаги 49,5 минг гектар томорқа ердан самарали фойдаланиш ва юқори даромад олишни намуна тариқасида ташкил этиш бўйича ҳар бир маҳалладан 5 тадан 7 тагача, жами 3863 хонадон танлаб олинди, уларга 88,6 миллиард сўм кредит ажратилди. Ўйлайманки, бу борадаги ишларимиз ҳам ижобий самара бериб, натижаси аҳоли турмушида, ҳудуднинг ижобий кўрсаткичларида ўз аксини топади.

Инвестиция — тараққиёт гарови

Ҳудудни ҳар томонлама ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири бу, шубҳасиз, хорижий инвестиция жалб қилидир. Вилоятда инвестиция дастури доирасида 91 та саноат лойиҳаси ишга туширилди. 2024 йилда 625 миллион доллар хорижий инвестиция ўзлаштиришни режа қилганмиз.

Режага асосан, жорий йилнинг январь-август ойларида 494 миллион доллар ўзлаштирилди.

“Сурхондарёда янги имкониятлар ишга солиниб, улкан ўзгаришлар юз бермоқда. Ўзимизда мавжуд ресурслардан аниқ режалар асосида самарали фойдаланиб, элимизга манфаат келтирадиган катта натижалар сари интиляпмиз. Ишонаманки, биргаликда олдимизда турган янги марраларни, албатта, забт этамиз.”

Инвестициялар ҳажми ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 2,5 баробар ўсди. Инвестицияларнинг 30 фоизи ёки 149,9 миллион долларни тўғридан тўғри хорижий инвестиция ва 70 фоизи хорижий кредитди. Йил якунига қадар 131 миллион доллар хорижий инвестиция ва кредит ўзлаштирилиб, белгиланган режани тўлиқ бажариш чоралари кўрилади.

Жорий йилнинг ўзига вилоятда 10 та хорижий давлатнинг расмий вакиллари ҳамда тадбиркорлари билан 67 мартаба икки томонлама музокаралар ўтказилиб, 4,7 миллиард долларлик хорижий инвестицияларни ўзлаштириш бўйича келишувларга эришилди.

Биргина мисол, Хитойнинг “Pover Uhuru Share Limited” компанияси билан Ангор тумани “Баҳор” МФЙ ҳудудига “Top quality Brand” МЧЖ ҳамкорлигида желатин ишлаб чиқариш учун қиймати 20 миллион долларга тенг лойиҳа амалга оширилади. Лойиҳа учун ер танланиб, қурилиши бошлаб юборилди, ускуналар олиб келиш бўйича хорижий ҳамкорлар билан музокаралар ўтказилмоқда.

Венгриянинг “Bankonzult Kft.” компанияси ҳамда “Сурхон саноат қурилиш” МЧЖ билан биргаликда қиймати 10 миллион долларлик, 5000 бошга мўлжалланган чорвачилик комплекси қуриш ва сутни қайта ишлаш лойиҳаси амалга оширилди. Япониянинг “Ark educational systems” компанияси ва “Сурхон саноат қурилиш” МЧЖ ҳамкорлигида эса қиймати 8 миллион долларлик Ўзбекистон — Япония технология университетини ташкил этиш бўйича келишувга эришилган, ҳозир ахборот технологиялари ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи биносини таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган.

Шунингдек, жорий йил якунига қадар ҳудудий инвестиция дастури доирасида 325 та инвестиция лойиҳасини ишга тушириш ҳисобига 11 мингта янги иш ўрни яратилади, 168 та янги саноат корхонасини ишга тушираемиз.

Қишлоқ хўжалиги ривожлантириш, саноатдаги улғимиз ҳам сезиларли ошмоқда, энди навбат етиштирилаётган маҳсулот ва ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларни ўз харидорига етказиш, яъни экспорт долзарб масалага айланган. 2024 йилда 360 миллион долларлик экспорт қилиб, бу борадаги кўрсаткичимизни ўтган йилдагига нисбатан 154 фоиз ошириш ниятидамиз. Биргина жорий йилнинг январь-август ойларида 193,9 миллион долларлик экспорт қилинди.

Хусусан, гилам ишлаб чиқариш учун сунъий тола ва латекс елимиз, гипсокартон, кокс, инфузион эритмалар, стевия доривор ўсимлигини қайта ишлаш ва қадоқлаш, агропетофос минерал ўғити, электротехника, чарм, шўр сувни саноатда ишлатиш учун фальтлаш ускунаси ишлаб чиқариш каби бир қанча импорт ўрнини босувчи янги турдаги маҳсулотлар ўзлаштирилади.

“Маънавият сектори”дан сўз очсак

Давлатимиз раҳбари “Маънавият бошқа соҳалардан олдинда юриши, янги кучга, янги ҳаракатга айланиши керак”, дея ниҳоятда муҳим ва мамлакат тараққиёти учун зарур гоёни илгари суриб, маънавий-маърифий ишларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди.

Қачон ҳудуд обод бўлади, қачонки аҳоли турмуши фаровон бўлиб, юртга дахл-



дорлик ҳисси билан яшаб, келажакка теран нигоҳ билан қарай бошласагина. Қачонки аҳолининг маънавияти бой, дунёқараш кенг, фикри теран бўлса. Ана шундагина кўзланган натижага эришиш, ислохотларни тўлақонли ҳаётга татбиқ этиш ижобий самара беради.

Президентимиз 2023 йил 16-17 ноябрь кунлари Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли ижтимоий хизматлар билан таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан ўтказган йиғилишида берган топшириги ижроси бўйича Сурхондарё вилоятда намуна сифатида “Маънавият сектори” жорий этилди. Бу борадаги тизимли ишлар натижасида маънавий-маърифий йўналиши тамомилан янги қўрилиш касб этиб, соҳада сезиларли ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, вилоятдаги 965 та мактаб, 454 та мактабгача таълим ташкилоти, 7 та олий таълим, 54 та профессионал таълим муассасаси, 360 та ташкилот ва корхона ҳамда 724 та маҳаллада жами 2564 та “Маънавият сектори” фаолияти йўлга қўйилди.

Китобхонликни тарғиб қилиш, аҳолининг гоёвий ва ахборот хуржларига қарши мафқуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган медиатарғибот маконини яратиш мақсадида 1011 та тарғибот-ташвиқот материал тайёрланди. Ўйлайманки, маънавият, зиё улашишдек муҳим ташаббусларимиз ҳамда амалий ҳаракатларимиз халқимиз турмушида, фарзандларимиз келажакда ўз сўзини айтгани.

Тиббиётда “теша тегмаган” ислохотлар

Аҳоли саломатлигини таъминлаш, энг сунъиги тажриба ва технологиялар асосида хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш устувор вазифамиз саналади. Негаки халқимиз саломат бўлса, ишимизда унум ва барака, ривожланиш бўлаверади. Айни шу мақсадда аҳолига кўрсатиладиган бирламчи тиббий-санитария ёрдами сифатини ошириш ҳамда касалликларни вилоятимизнинг ўзига даволаниш ташкил этишга асосий эътибор қаратмоқдамиз.

Президентимизнинг вилоятимизга ташрифиди давомида аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тизимни тақомиллаштириш, сурункали касаллиги мавжуд беморларни соғломлаштириш, патронаж тизимини янги босқичда амалга ошириш борасида “Сурхондарё тажрибаси”ни жорий этиш ва намуна сифатида Ангор туманида амалга оширилган ишларни вилоятнинг барча туманларига жорий этиш вазифаси юклатилган эди. Ҳозирги кунда Ангор туманида яратилган тизим вилоятнинг бошқа туманларида ҳам жорий этилмоқда.

Шу билан бирга, жорий йилда вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази негизда 300 ўринли даволаш ва 450 ўринли ўқув хоналарига эга барча юқори технология ҳамда мутахассисларни ўзда мужассамлаштирган тиббиёт кластери ташкил этилмоқда.

Бундан ташқари, йил якунига қадар 30 та тиббиёт муассасаси таъмирланади, 50 та замонавий тез тиббий ёрдам машинаси келтирилади, 140 миллиард сўмлик замонавий тиббий асбоб ва жиҳозлар олиниб, аҳолига тиббий хизматлар кўрсатилиши яхшиланади.

Хусусан, вилоятда йил бошидан 10 та оилавий шифокорлик ва оилавий поликлиника таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Ҳозирги кунда инвестиция дастури доирасида 5 та бирламчи муассасада реконструкция ишлари бажарилмоқда ва яқин кунларда фойдаланишга топширилади.

Шунингдек, 3,1 миллиард сўмлик тиббий жиҳозлар келтирилди, бундан ташқари, 96 та оилавий поликлиника физиотерапевтик аппаратлар билан жиҳозланди. Натижада қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи аҳолининг туман марказларига қағнови кескин камайишига эришилмоқда. Вилоятда 10 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ҳисобига юқори технологияли тиббий жиҳозлар келтирилди. Республика она ва бола саломатлиги маркази вилоят филиали ташкил этилди ва замонавий жиҳозланди. Вилоятда биринчи мартаба очиқ юракда жарроҳлик амалиёти йўлга қўйилиб, шу кунга қадар 50 га яқин беморда бу амалиёт муваффақиятли ўтди.

Тугма юрак нуқсонини бор 900 дан ортиқ бола мавжудлигини инобатга олиб, жорий йилда вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказига 15 миллиард сўм ажратилди. Бунинг ҳисобидан болалар кардиохирургияси бўлими ташкил этилади. Тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш учун 50 миллиард сўм ажратилиб, вилоятда замонавий тиббий жиҳозлар олиб келинмоқда. Жумладан, 8 дона гемодиализ аппарати келтирилиб, 6 таси Денов туманига, 2 таси Республика шифохона тез ёрдам илмий маркази Сурхондарё филиалига ўрнатилди.

Бугун Сурхондарёда янги имкониятлар ишга солиниб, улкан ўзгаришлар юз бермоқда. Ўзимизда мавжуд ресурслардан аниқ режалар асосида самарали фойдаланиб, элимизга манфаат келтирадиган катта натижалар сари интиляпмиз. Ишонаманки, биргаликда олдимизда турган янги марраларни, албатта, забт этамиз.



Таълим тараққиёти



Олимжон ТҲҲИЧЕВ, техника фанлари доктори

Бошланиши 1-бегда

2023 йили ўтказилган сўровномада мактаб битирувчиларининг атиги 8 фоиз шу муҳандислик йўналишини танлаган. Олий таълимга қаров 5 баробар, яъни 9 фоздан 42 фозга ошган бир пайтда ёшларнинг муҳандисликка қизиқишидаги бу кўрсаткич соҳага янги технологияларни жорий этиш заруратида дарак беради. Ортирмида техника йўналишидаги 36 та давлат олий таълим муассасасини ҳар йили 67 минг йигит-қиз битиради. Бироқ уларнинг 60 фоизи ўзи ўқиган йўналиш бўйича ишламайди. Сабаби, олий таълим муассасаларининг ўқув дастури ва ихтисосликлари бугунги иш бериувчилар талабини тўлақонли таъминлайдиган кадрларни етиштириб беришмайди. Бугун биз ана шу талабларга жавоб бермасак, замонавий йўналишларда кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўямасак, sanoat тармоқлари катта маблағ сарфлаб, четдан мутахассис олиб келишга мажбур бўлади. Ваҳоланки, ўзимизда шу йўналишда ўқиб, “дипломини тоқчага қўйиб қўйган”лар талайгина. Ўйлаб қарасак, ўша дипломларнинг чанг босиб ётишида олий таълим муассасаларининг ҳам “ҳиссаси” бор. Сабаби, замон талабларини мос кадрлар тайёрлаш масаласига етарлича эътибор қаратилмаганида.

Тошкент шаҳрида 15 йилдан буён фаолият юритиб келатган Турин политехника университетининг асосий вазифаларидан



бири хорижий тажрибага асосан юқори малакали муҳандисларни тайёрлади. Бу борада университетда ўқув-амалий ва ишлаб чиқариш лабораториялари мавжуд. Ҳозир муҳандислик соҳаси бўйича қатор йўналишлар бор. Талабалар машинасозлик технологияси, компьютер муҳандислиги, автомобиль муҳандислиги, авиакосмик муҳандислик, дастурий таъминот муҳандислиги, қурилиш муҳандислиги ва архитектура йўналишларида тахсил олиб келмоқда.

БУГУННИНГ МУҲАНДИСЛАРИ

илм-фан ва ишлаб чиқариш драйверига айланади

Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йил 20 июнь кун муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида замонавий талабларга мос муҳандис кадрлар тайёрлашнинг айна пайтдаги ҳолати танқидий таҳлил этилди. Тўғри, соҳадаги шароит аввалгидан анча ўзгарган. Аммо бу шиддатли замон учун етарли эмас. Жамият муаммоларига ҳафсиз ечим топиш учун зарур бўлган бино ва иншоот, ускуна ҳамда мосламаларни таъмирлаш бугун учун муҳим. Лойиҳалаштириш жараёнида илмий, математик, иқтисодий, ижтимоий ва амалий билимларни қўллаш катта самара беради. Мана шуларнинг бажарувчиси бўлган муҳандис мутахассислар ишлаб чиқариш тармоқлари, замонавий иқтисодиёт ривожидида ҳал қилувчи вазифани бажаради.

Илм-фан ва ишлаб чиқариш занжирининг тўлақонли интеграциясини таъминлаш учун назарий билим ва кўникманинг амалиётда мустаҳкамланишига эришиш зарур. Мана шу заруратни тўлақонли таъминлай олганимиз учун ҳам кейинги йилларда муҳандислик таълими кутилгандек самара бермади. Бугун ишлаб чиқарувчиларнинг муҳандис кадрларга эҳтиёжи ва талаби катта. Айна кезде талабаларга сифатли билим бериш билан чекланиб қолмай, уларнинг бирор қорхона ёки ташкилот учун керакли ходим сифатида шаклланиб боришига ҳам эришишимиз лозим.

Чунки ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этиш бораётганда дунё ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш учун муҳандис кадрларни салоҳиятли этиб тарбиялашнинг аҳамияти катта.

Инновацион ва стартап лойиҳалар — ОТМ учун даромад манбаи

Бир вақтлар ОТМ даромади фақат талабаларнинг шартнома тўловидан шакллантирилади деган қараш бор эди. Аммо бугун бу мезон анча эскирди. Замонавий олийгоҳлар, айниқса, техника-муҳандислик йўналишидаги ОТМлар кенг қамровли иш юритиши, илмий ишланмалар, амалий, инновацион ва стартап лойиҳаларни амалга ошириши эвазига катта фойда олиши зарур. Университетимизда фундаментал лойиҳалар билан бир қаторда амалий ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш йўлга



кўйилган. Сўнгги уч йилда умумий қиймати 11 миллиард сўмга яқин жами 9 та лойиҳа амалга оширилди. Булар орасида Германия, Беларусь, Туркия, Хитой билан қўшма илмий лойиҳалар ўзаро ҳамкорлиқни ривожлантириш, тажриба алмашишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, Европа Иттифоқи билан ҳамкорликда Erasmus дастури доирасида қитъанинг етакчи университетлари билан бирга қатор лойиҳаларни амалга оширяймиз.

Университетимизда инновацион лойиҳалари билан мамлакат ва жаҳон миқёсидаги таълим ва кўргазмаларда қатнашиб, ғолибни қўлга киритаётган иқтидорли, инноватор талабалар талайгина. Муассасада инновацион лойиҳалар билан шуғулланувчи талабалардан иборат “NazarX” ва “Cosmos Innovation” жамоалари турли йўналишда лойиҳаларини йўлга қўйган.

Биринчи ўзбек рободоқтори

Аэрокосмик лойиҳалар билан машғур “NazarX” жамоаси ҳозир учувчисиз учуш аппаратлари ҳамда автопилот режимда ҳаракатланадиган автомобиль устида тадқиқотлар олиб бормоқда. Бу борада университетимиз ва Италиянинг Dron Lab компанияси ҳамда Савдо-саноат палатаси ўртасида ўзбекистонда дрон ишлаб чиқариш бўйича стратегик ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Энди айнан шу жамоа иштирокида хорижий тажриба асосида

иқтисодиётнинг турли соҳалари учун дронлар ишлаб чиқарилади.

“Cosmos Innovation” жамоаси томонидан амалиётга татбиқ этилган навбатдаги лойиҳалардан бири — биринчи ўзбек рободоқтори “Body tester”. Лойиҳа соғлом турмуш тарзини янада кенг тарғиб қилишда ёрдам беради. Қурилиш бир вақтинчи ўзида инсонга доир табиий маълумотларни аниқлаб, чек қоғози кўринишида тақдим қила олади. Маълумотлар билан бирга тақдим қилинган чекдаги QR-код орқали ҳар бир фойдаланувчи онлайн тарзда табиий кўрсаткичларини билиш ҳамда вазн индекс бўйича тавсиялар олиш имконига эга бўлади.

Бугун глобал иқтисодиётни барқарор ривожлантириш билан бирга инсоният ҳаётига салбий таъсир кўрсатиб, яқин келажақда жиддий муаммоларни юзага келтириши мумкин бўлган ҳолатлар талайгина. Шулардан бири — табиий бойликлар ва ресурслар захирасининг йилдан йилга камайиб, тақчиллашиб бораётгани. Табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш учун ҳам илм-фан ва инновациялар интеграцияси зарур.

Чет элда хизмат сафаридида бўлганимизда бир жиҳат эътиборини тортиди. Ривожланган давлатларда муҳандислар жуда қисқа вақтда юқори сифатли махсулотлар ишлаб чиқаришга жалб этилади. Улар турли машина ва воситалар яратди. Бу жараёнда нафақат ўз устида ишлади, балки мамлакат экспортни айланмасини оширишга ҳам қатъат ҳисса қўшади. Чунки уларда технология соҳасидаги инновациялар замонавий иқтисодиётнинг ўсишини таъминловчи катализаторга айланувчиган.

Бугун биз учун ҳам кун талаби “тармоқ — қорхона — олийгоҳ” интеграциясини яраттирдир. Замонавий машина ва ускуналардан фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш учун малакали ишчи кучи талаб қилинади. Олий таълим муассасаси мана шу талабдан келиб чиқиб, кадрлар тайёрлаши лозим. Фан ва технология ютуқлари мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан узвий боғлиқ. Шу билан бирга, таълим тизимини замон билан ҳамнафас тарзда муттасил янгиллаб, такомиллаштиришни тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясига олиб келади.

Электротехника соҳасидаги тадқиқотлар

Олий таълимнинг мавқеи замон талабларига муносиб, малакали, рақобатбардош, юксак билимли, ўзи танлаган йўналиш бўйича маҳоратли кадрларни етиштириш билан белгиланади. Бунга эса фақат сифатли таълим орқали эришиш мумкин. Кадрлар тайёрлашда ўқув жараёнининг малака талаблари асосида ўғилнишнинг муттасил мониторинг қилиш, самарадорлигини таҳлилдан ўтказиб, такомиллаштириб бориш зарур.

Университетимиз таълим дастури иш бериуви компаниялар эҳтиёжи ҳамда талабалар қизиқиши асосида мунтазам янгиланиб, такомиллаштириб борилаётган. Бу жараён таълим дастурунинг замонавий технологиялар ва бозор талабларига мослаштириш имконини янада кенгайтиради.

Ҳозир битирувчиларимизга автомобилсозлик, машинасозлик, энергетика саноати, нефть ва газни қайта ишлаш, ахборот технологиялари ва қурилиш компанияларида талаб катта. Биз талабдорларни доим қузатиб, ҳар бир йўналишга кириб келётган технологияларни ўрганиб боришимиз керак. Шундангина иш бериувчилар қўядиган мезонларга мос кадр тайёрлай оламиз. Бизни қувонтирган бўлган кўпгина битирувчиларимиз етакчи компанияларда фаолият юритмоқда. Италиянинг Manganobot, Пирелли, Данияннинг Uber, Дубайнинг VITRONIC Machine Vision Middle East, Германиянинг “BMW group” каби компанияларида муҳандис, етакчи мутахассис бўлиб ишламоқда.

Университет ҳузурида электромобиллар ва уларнинг инфратузилмаси бўйича илмий тадқиқот лабораториясини ташкил этилган. У ерда электрда ҳаракатланадиган транспорт воситаларини ўрганиш ва шу йўналиш бўйича илмий изланиш, экспериментал тадқиқотлар олиб борилаётган. Бу электротехника соҳасидаги тадқиқотларни ривожлантириш ва шу йўналишда бўйича етуқ мутахассислар тайёрлаш имконини беради.

Ийрик қорхоналар раҳбарлари билан суҳбатлашганимизда улар амалиётга борган талабаларнинг назарий билими билан замонавий ишлаб чиқариш ўртасида тафовут борлигини айтиди. Бу бизнинг оғриқли нуқтаимиз. Мана шу камчилиқни бартараф этсак, соҳа кадрлари “олтин мутахассис”га айланади. Чунки рақамли иқтисодиётнинг асосий технологиялари, рақамли трансформация сценарийлари, муҳандислик фаолиятининг янги устувор йўналишларидир. Демак, келажақ таълимнинг асосий тенденциялари ҳам шулар бўлади.

Европа давлатлари ўз истиқболли дастурлари ҳамда назарияларини шакллантиришда ахборот технологиялари, техника жаҳзаси ва турли ноу-хауларга таянмоқда. Замонавий sanoat тармоқлари учун фойдали турли технологик ускуналар, машиналар, предметларни ишлаб чиқишда самарадорлиқни ошириб, махсулот таннанини минималлаштириш вазифаси олдимизда турган экан, бунга соҳада кадрлар тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш орқали эришамиз.

Таълим муассасамизда халқаро алоқаларни ривожлантириш устувор йўналишлардан. Шу сабабли Европа, Америка ва Осиёнинг етакчи олий таълим муассасалари ва компаниялари билан яқиндан ҳамкорлик

қилинади. Бугун 20 дан ортиқ хорижий давлатнинг 90 га яқин университети ва компаниялари билан қўшма таълим лойиҳалари, sanoat даражасидаги ҳамкорлик, ўқув ва алмашинув дастурулари ташкил этилмоқда.

Ўтган даврда олийгоҳимиз Хитой политехника институти, Косовска Митровицадаги Пристина университети, Россиянинг “Трансмашхолдинг” корпоратив университети билан ўқув ва илмий соҳада кенг қамровли ҳамкорлик қилиш бўйича меморандумлар имзолаган. Ҳамкорлик доирасида талабаларнинг муҳандислик фаолияти бўйича олган назарий билим ва кўникмаларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш, шунингдек, ўқиб йўналишига мувофиқ компетенцияларини ривожлантириш мақсадида август ойида 17 талабаимиз Россиянинг “Трансмашхолдинг” АЖ таркибига кирувчи “Метровагонмаш” АЖ заводига 10 кунлик амалиёт ўтаб келди.

Жорий йил 24 сентябрда Ўзбекистон — Италия биринчи таълим форуми доирасида Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети ҳузурида “Италия — Ўзбекистон илгор муҳандислик маркази” очилди. Ушбу марказ Италиядаги илгор ва инновацион технологияларни узлуқсиз жорий этиш орқали Ўзбекистонда машинасозлик, тўқимачилик, қармоқчилик соҳаларида ишлаб чиқариш майдонларини кенгайтиришга хизмат қилади. Шунингдек, Ўзбекистонлик мутахассисларнинг малакасини ошириш, тажриба лойиҳалари, ихтисослаштирилган маълумотларни тарқатиш, икки давлат хусусий секторини жалб қилган ҳолда Италия — Ўзбекистон сармоялари ва қўшма қорхоналарни қўллаб-қувватлаш учун инфратузилма ҳамда шарт-шароитлар яратишда муҳим омили бўлади.

Талабалар марказида энг замонавий моддий-техник базада амалиёт ўтаб, тажрибасини оширади. Шунингдек, ёшлар экспортбоп махсулотлар ишлаб чиқаришда иштирок этиш, илмий-инновацион тадқиқотлар билан шуғулланиш ҳамда касбий кўникмаларини мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлади.

Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига 2022 йил 20 декабрдаги Мурожаатномасида “...Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашнинг кенгайтиришимиз. Кимё саноати, электр техникаси, транспорт ва энергетика соҳаларида нуфузли халқаро ташкилотлар билан бирга алоҳида муҳандислик мактаблари ташкил қилинади. Бу тизим қўшма ҳозирча бўлмаган. Лўнда айтганда, янги замон инженерлари тайёрлаш тизимини яратамиз”, деган эди.

Келгуси беш йилда Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг дунё миқёсидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, нуфузли университетларнинг 1000 талигига қиритишни режалаштирганмиз. Ҳозир талабаларимизнинг 6 фоизи чет эллик йигит-қизлардан иборат: Булар Туркия, Россия, Ҳиндистон, АКШ, Нигерия, Қозғистон, Қирғизистон ва бошқа қўшни давлатлардан келганлардир. Келгуси режаларимиздан бири хорижий талабалар сонини янада кўпайтириш.



У қабимга чексиз фахр-ифтихор бағишлаш билан бирга, зиммамга янада завориди машъуляти юклади. Мактабгача таълим тизимида кенг имкониятлар, янгиланишлар бизни янада ташаббускор, серқирра ва фидойи бўлишга чорлайди. Шундай экан, бундан кейин ҳам бор билимимни, шижоатимни касбимга, тарбияланувчиларга бағишлайман. Соҳада тинимсиз меҳнат қилаётган, шу замин бағрида камолга етиб, давлатимиз тарқққиёти йўлида фидойилик кўрсатаётган ўқитувчи ва мураббийлар фаолияти ҳар қандай мақтов, нуфузли мукофотларга лойиқ. Бу уларга янада хуш кайфият бағишлаб, фидоикорликка, мудом олға интилишга ундайди.

Шухрат НОРМУРDOV, журналист

Эътироф

КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИ

меҳнатидан қадр топиб, эъзозланмоқда

Бугун жамиятимизни илм-матрифт ва таълим тараққиётисиз тасаввур этиш қийин. Юксалишларнинг тамал тоши илм-фан ва таълимга асосланади. Шу боис, кейинги йилларда мамлакатимизда тараққиётнинг муҳим асоси бўлган таълим-тарбия тизимини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, ёшларнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши учун барча куч ва имкониятлар сафарбар этилди.



Соҳадаги тараққиёт қўламини ёшларимизнинг халқаро майдонларда эришяётган ютуқларида, замонавий билимларни эгаллашга бўлган чексиз интилишларида намоён бўлмоқда. Ана шулар тимсолида бугун юртимиз эртасини таъминлашга қодир авлод ўсиб келаятиганини ҳис этишимиз мумкин. Албатта, бу борада ҳаммамиз ҳар доим бош эгиб, таълим қиладиган, эҳтиром кўрсатадиган ўқитувчи ва мураббийларнинг ўрни бекиёс.

Президентимизнинг жорий йил 27 сентябрдаги “Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнат кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармони биноин фидойи муаллимлар муносиб тақдирланди. Улар орасида Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Ольга Степанова ҳам бор. Педагог соҳадаги узоқ йиллик фидоикорона хизмати учун “Дўстлик” орденига муносиб кўрилди.

Ольга Степанова 1992 йил Самарқанд давлат университетини тугатиб, фаолиятини Пахтачи туманидаги 21-мактабда бошлаган. Бугунга қадар маъзур ўқув даргоҳида ёшларга билим бериб келаятир.



— Касбим ортидан давлатимизнинг юксак эътирофи ва эъзозига сазовор бўлдим. Бутун вужудим ва ақлу шуримини ўқитувчиликка бағишлаб, касбимдан бахт ва шараф топдим. Бундан бахтиёрман. Президентимизнинг “Мактабни ўзгартирсанг туриб, одамни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди. Таълим ва тарбиянинг асоси, пойдевори бу — мактаб. Мактабни мактаб қиладиган куч эса ўқитувчилардир”, деган таълим илм

масканимиздаги устоз-муаллимларнинг қалбидан чуқур жой олган, фаолиятимиз мезонига айланган, — дейди муаллима. — Ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан етуқ камолотини қўзлаб, мамлакатимизда таълим соҳасига катта эътибор қаратилмоқда. Умумтаълим мактаблари замонавий, кўркам қиёфага келтирилиб, энг қўлай шарт-шароитлар яратиб берилаётган. Улар сўнгги русумдаги ўқув жиҳозлари, замонавий компьютер технологиялари билан таъминланяпти. Шунга муносиб тарзда биздан талаб қилинадигани изланиш, ўз устимизда ишлаш, касбий малака ва маҳоратимизни оширган ҳолда фарзандларимизни замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялашдир.

Тайлоқ туманидаги 10-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси Озода Ваҳובה соҳада 20 йилдан ортиқ фаолият юритаётган фидойи кадрлардан. Бу йилги 1 октябрь санаси Озода опа учун қўшалоқ байрам бўлди: Президентимиз фармонида кўра “Шуҳрат” медали билан тақдирланди. — Камгарона хизматларим эътироф этилиб, давлат мукофотига лойиқ қўрилганимдан беҳад шод бўлдим, — дейди Озода Ваҳובה. — Бу мукофот севимли жамоам ва ўзимга илк устоз санганим — онажонимга ҳам дахлдор деб биламан.

Тошойна

Одатда тонгни телефон экранига қараш билан қарши оламиз. Ҳа, кунимиз ахамияти тезда йўқоладиган янгиликлар, мантисиз қисқа видеолар, ўзгалар ҳаётини кузатиш билан бошланади. Ўз-ўзидан келиб чиқадики, тартибсиз ахборот истеъмолчи инсониятни ўз домига тортиб бормоқда.

ҲАЙРАТСИЗ ЯШАЁТГАН ҲАЁЛЛАР



Афсуски, истеъмолчиларнинг катта қисми ёшлар. Маълумотларга кўра, ёшларимиз асосий вақтининг тахминан ярмини виртуал мулоқотга сарфламоқда. Чингиз Айтматов ёшларнинг интернетга мугелиги ошиб бориши ҳақида тўхталар экан, “Тўя терисини одамнинг тақир бошига кийдирини шарт эмас. Энди содир бўладиган урушлар жанг майдонида эмас, балки мафкура полигонига юз беради. Шу жиҳатдан қараганда, ёшларнинг кўп вақтини интернетда беҳуда сарфлаши катта фожадир”, деганди. Ҳа, ижтимоий тармоқлар ёшларнинг вақтини олиш баробарида онгу тафаккурини ҳам бошқарипти.

Яқинда бир даврада гурунда бўлдим. Даврадошлардан бири пойтахтнинг қайси-дир жойидан янги уй олгани ҳақида гапирари туриб, бир воқеани сўзлаб берди. “Уйимиз анҳорнинг ёқасида жойлашган. Душанба куни — бизга дам олиш. Пастга тушиб, атрофни айланиб юрсам, сув бўйида болалар тўпланиб турганини кўрдим. Улар томон юришимни биланам, бир боланинг “Бу киз кўлини кесибди...”, дея кўча бошига шошиб югуриб кетаётганини кўрдим. Воқеа жойига борсам, 15 ёшлардаги ўсмир киз шиша билан кўлини кесган. Анча қон оққан. Ундан кимнинг қизи эканини, нега бундай қилганини сўрадим. У эса кўзимга тик қараб: “Мени тинч қўйинг, ҳаётдан тўйдим”, дейди. Хуллас, ёрдам беришимга унамади. Янги кўчиб келганим учун яқин атрофдаги аёлларнинг ёнига бориб: “Анави ерда бир киз кўлини кесган. Кўп қон йўқотган. Ота-онасига хабар бериш керак” десади, бизга нима дегандек бепарво ўтираверди. “Тез ёрдам” чақирдим. Кейин у ердан кўчиб кетишига қарор қилдим”.

Хали ҳаётнинг паст-баландини кўришга улгурмаган қизнинг ўз жонига қасд қилганини ўйлаб одам бир куйиниб, нега шу ерда бу ишга кўз урган деган савол баттар қийнайд. Бегубор болалик даврида бу каби чигалликлар билан эмас, ёруғ озуларга эш бўлиб, яхши яшашга интилмайдими? Ҳўш, унинг бу аҳволга тушиб қолишига нима сабаб бўлган? Қизиги, бу ёшдагиларнинг ҳайратини нима ўйирламоқда?

Бугун майда мақсадлар, занжирланган орзулар, ҳаётни экран ортда кузатаётган болалар ўзидан, ўзлтигидан узоқлашиб кетаётгандек. Шу қадар ахборотга қўллик бошландики, уни саралаб истеъмол қилиш ҳақида

ЁХУД ОРСИЗЛИКНИ ҚУРОЛГА, НОМУССИЗЛИКНИ ДАРОМАД МАНБАИГА, ҲАЁСИЗЛИКНИ ЗАМОНАВИЙЛИККА ЙЎЯЁТГАНЛАР

ўйламаймиз ҳам. Минглаб ёшларнинг мақсади ҳам, ҳайрати ҳам шу ахборотга кўмилиб, чикитга чиқиб кетаётгандек.

Аслида, энг қийин юмуш одамларда ҳайрат туйғусини уйғотиш бўлса керак. Тўғри-да, ертўлада яшаб, бир сўксам бугунги ерга сочиб, сўнг хирмон кўтариб, келиди туйиб нон қилган, чорванинг ортидан юриб, чакки шимиб яшаган аждодлардан кўра кўпроқ ва қизикроқ нарсанимиз бордек. Ҳайтовур, Қоратовнинг бошида кўй ҳайдаб юрган чўпон Ойга инсон қадами етганини, сунъий интеллект одамлар билан бемалол суҳбат қураётганини билмай ўтди. У тўрт фаслнинг турфа ранглари, осмон ва ер оралтидаги мавжудотларни кўриб ҳайратга тушди. Момолар урчуқ йиғира туриб, янги чиққан Ойни кўрса, юзига табассум

юрган. Ичидан унган истакларини Ой билан бўлишган. Ерўладан чиққан болалар бутун умр у ерда яшамади. Улар ҳайрат қидириб, бири қайсидир хонликка аскар бўлди. Яна бири олис юртларга йўл олган карвонга эргашиб кетди. Қизлар алларини дунёга келтирди. Улар янги юртларга асос солд...

Бугун Ер шарининг турли нуқтасида қандай ҳодиса юз берганини бир неча дақиқада билиш имконимиз бор. Сахро кумининг йўналишига, юлдузлар жойлашишига қараб эмас, балки телефонимиздаги локация орқали инсон қадами етган барча жойни топиб бора оламиз. Ҳатто Ҳимолай чўққисини забт этиш ҳам одатий ҳолдек бўлиб қолди. Одам қадами етмаган музликларда яшаётган ҳайвонлар билан суратга тушиб ҳам инсон завқ топа олмаётгандек. У барини уйга толади. Азал ва

абадни қийнаган саволларга жавоб излайди, яшайдан мақсад қидира бошлайди. Мақсад ва ҳайрат бир-бирига уйғун. Бирининг бўлиши иккинчисининг мавжудлигини таъқозо қилади. Тўғри-да, бутун умр сахродан чиқмай яшаган одамнинг орзуси уммон ёки чексиз ўрмонни кўриш бўлган. Уларни кўз олдида жонлангир олмаган бўлса ҳам сахро шомоли олиб келган исдан уни ҳайратга туширадиган нарсалар борлигига ишонган. Уларни кўрар экан, ҳаётнинг фақат қум зарраларидан ёки куёшдан иборат эмаслигига иқдор бўлган. Қанча кўп жойни кўрса, шунча ҳайратга тушишини сезган.

Катта-катта қўлларнинг қурий бошлаши, ўрмонларнинг йўқ қилиниши, музликларнинг эриб бориши, халқлар эркига раҳна солинишидан қолган вайронгарчиликлар ҳам бизни ҳайратга солмай қўйди, наздимда.

Бошдан дўппини олиб, одам боласининг ҳайратомуси ишларига қараб ёқа ушлайсан, киши. Қаердадир орсизликни қуролга, номуссизликни даромад манбаига айлантириб, ҳаёсийликни замонавийликка йўяётганларни кўриб ёқа ушлайсан. Тараққийнинг бадали бизга қимматга тушаётгандек.

Ҳўш, инсонни оламда ушлаб турган омиллар нима? Ўзбекистон халқ шоири Эркин Вохидовдан келтирилган қуйидаги иқтибос бу саволга ойдинлик киритса, ажабмас: “Бу оламда йўқотишлар ичиданги энг оғир йўқотиш инсоннинг ўзлтигини йўқотишидир. Одамзод тафаккур ва эҳтирос, руҳият ва имон дунёсида яшайди. У юрагиданги эҳтиқод билан, ишонч билан тирик ва бутун. Ўзликни йўқотмай ана шу оламдан жудо бўлмоқдир, инсон иморатиданги руқнларнинг — устунларнинг синмоғидир”.

Йиғирма биринчи асрга келиб, яшаш ҳақидаги тушунчалар эскирди, чамамда. Сабаби инсоний фазилатларни ушлаб турган туйғуларга чанг солингандек. Инсоният тафаккур уловидан тушиб, темир-терсақлар ичида тақдидчилик йўлига ўтиб олганга ўхшайди. Энг ёмони, ёшлар мана шу экран ортидаги дунёдаги яшаб ўтиб, таъсиридан чиқолмай қолмоқда.

Виртуал мулоқотнинг авж олиши жонли мулоқотга эҳтиёжнинг пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Дойимий кўришиб турадиган яқинлари билан ҳам ижтимоий тармоқларда мулоқот қилувчилар кўп учрайди. Бундай мулоқот реал воқелиқдан айри ҳолда кечеди. Инсон ҳиссий кечинмаларини тасвирлаб беролмайди. Бу инсоний туйғулари йўқолиб боришига замин яратади.

Глобал ўзгаришлар даврида ёшлар онгу шуурини ижтимоий тармоқ орқали кириб келаётган зарарли гога ва таъсирлардан самарали ва ишончли ҳимоялаш тобора долзарб ахамият касб этмоқда. Бу эса ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, ота-оналардан янада ҳушёр ва огоҳ бўлишни, ёш авлодининг гогавий-мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтиришни талаб қилади.

Улугларнинг “Ёқут билан вақт топилмас, вақт билан ёқут топилар” деган ҳикмати бор. Бефарқ ўтказаятган ҳар кунимизнинг бадали нима билан ўлчанишини ҳали кўпчилигимиз англаб етганимизча йўқ. Аксариятимиз телефондан фойдаланиб, болаларга ундан фойдаланиш яхши эмаслигини ўқтира бошлаймиз. Ёки мактабни вақ қилиб, у ерда яхши тарбия берилмаётганидан нолиймиз. Аслида, биргина ҳақиқатни унутиб қўйгандекмиз. Шоир айтгандек: “Исталган муаммода ҳамма юкни мактаб ва оилага ташламоқлик керак. Улар пойдевор. Уй фақат пойдевордан иборат бўлмайди-ку”.

Оқ билан қоранинг фарқига бормаган ёшлар ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилган ҳар қандай маълумотни ҳақиқат деб қабул қилаётгани оғриқли масала. Бундай хабарлардан кўзланган асосий мақсад ёшларни бузғунчиликка ундаш, фуқаролар тинчлигини бузиб, халқ орасида низо чиқаришга ҳаракат қилишидир. Сарҳадсиз интернет дунёсига кирган йиғит-қизлар умр ғаниматлигини унутиб қўйгандек.

“Заҳарни заҳар қесади” деганларидек, гогавий хуружлар, турли мафкуравий таҳдидлар авж олаётган даврда ёшларимиз маънавиятини юқалтириш, улар тафаккурда соғлом дунёқарабини шакллантириш энг муҳим вазифадир. Энг аввало, ёшларда жамиятимиздаги ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини ошириш керак.

Дунёнинг қиёфаси тобора ўзгариб бормоқда. Халқаро майдондаги зиддият ва қарама-қаршиликлар кучаяётган бир вақтда келажак стратегиямизни аниқ белгилаб олиб, ғанимларнинг ғаразли уринишлари нимага қаратилганини ҳар томонлама англаб олишимиз керак.

Сардор ТОЛЛИБОЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири


Мулоҳаза

Бугун аксарият ёш болаларни кўриб, улар жуда тез улғаяётганига гувоҳ бўласиз — худди ўсмирлардек ақлли, катталардек жаҳлдор. Баъзи ота-оналар эса бундан фахрланиб ҳам қўяди: “Фарзандим ҳозирдан шундай ақлли, ҳозирдан шундай жиддий”. Бироқ бу қанчалик тўғри? Бунда инсон умрининг анъанавий босқичларидаги кетма-кетлик бузилмаётими?

Бола мактабга боргунча эндигина атроф-муҳит билан танишаётган, тафаккурида ҳайрат туйғуси ривожланаётган бўлади. Унинг учун борлиқдаги жамик хилқат, ҳодиса қизиқ, Масалан, кўшнинг боғиши, тонг отиши, одам нима сабабдан кулади, қандай вазиятларда йиғлайди — бари бирлашиб, тафаккурида таҳлили ҳосил қилади. Аслида, стандарт болалик даври ана шундай бўлиши керак. Бироқ атрофимизда аксарият болакайларни кузатайлик-чи, уларда ҳолат қандай?

Табиатдан ҳайратланиш туйғуси бугунги болаларда сусайиб кетаётгандек. Ҳозир уларни гулзорга олиб кириб, капалак, чигиртка каби турфа ҳашаротларнинг хатти-ҳаракатига диққатини қаратиб, овутини қийинлашиб кетди. Демак, уларга табиий равишда ҳаракатланадиган она табиат унчалик қизиқ эмас. Бироқ жуда кўпчилик ёш болани телефон, телевизор ёки шунга ўхшаш замонавий технологиялар билан овутини мумкин. Мулоҳаза бўлса ҳам айтиш керакки, бугунги давр болалари эсини таний бошлаганданок виртуал оламда улғаймоқда, дунё ҳақидаги дастлабки таассуротлари айнан шулар орқали шаклланоқда. Бу фожа эмасми?

Ёзининг чилласида оилавий тоққа чиқдик. Дала ҳовлига жойлашиб, 4-5 ёшли



Болалар НЕГА АСАБИЙ?

икки жиянимга атрофни кўрсатиш мақсадида юкорига қараб йўл олдик. Ҳаёлимда улар ҳозир умрида биринчи марта кўраётган манзарадан ҳайрати ичига ситмай қолса керак деган фикр бор. Энг балан нуқтага чиқдик ҳамки, жиянларимда ҳеч қандай “ўзгариш” сезилмасди — худди ҳар кунни кўриб юрган манзарага қарагандек шунча қаради. Ушанда дебихтиёр ўзининг болалигим, отам биринчи марта шаҳарга олиб борганда кўп қаватли биноларни кўрганда “оғзим очилиб” қолгани ёдимга тушди. Илгари болаларда ҳайрат туйғуси бутунлай бошқача эди, биринчи марта кўраётган ҳар қандай манзара ақлимизни шошириб қўярди.

Мақолани ёзиш давомида ҳайрат туйғуси ҳақида маълумотлар қидирдим, унинг

инсон саломатлиги учун қандайдир фойдаси бўлмади. Жавоби — ҳа. Маълумотларга кўра, ҳайрат ҳамда ажабланиш ҳисси инсон руҳияти учун катта ахамиятга эга, унинг ривожланишига ижобий таъсир қилади, бахт гормонини оширади. Энди тасаввур қилинг, аскар болажонларимиз ана шундай табиий муолажалардан мосуво ҳолда улғаймоқда. Бу ота-оналарни жиддий ўйлантириши лозим. Ҳўш, ечим-чи?

Бу ҳақида мутахассисдан эшитиш мақсадида кўп сонли аудиторияга эга аксар психологларнинг ижтимоий тармоқдаги аккаунтларига ёзиб қўрдим. Жавоблар бир-бирига ўхшаш, ҳаттоки менга анчайин эриш ҳам туюлди. Айримлари болаларга мобил қурилмаларни умуман бермаслик зарур деса, бошқалари бу ҳолатда ота-оналарни болалар

билан кўпроқ вақт ўтказмасликка айбламоқда. Айримлари эса ёш бола телефон ўйнашга қизиқмаслиги учун уларга кўпроқ эртак айтиб бериш кераклигини таъкидлади. Биз ота-оналарнинг бу борадаги фикрлари билан ҳам қизиқдик. Уларнинг орасида ёш боласининг бу “касали”ни даволаган бирор-таси учурармикан?

— 3 фарзандимнинг ҳаммаси телефонга муккасидан кетиб, бутунлай асабий бўлиб қолди, — дейди Нигора Бекмуродова. — Бошида уйимизда бир донна планшет бор эди, балки шунга бир-бирдан қизганиб, телефонга шунчалик қизиқиб кетдикми деб ўйладик. Агар ҳар бирига алоҳида олиб берсак, 1-2 ойда уйиндан “тўйиб” қолар деб ана бир планшет сотиб олдик. Бироқ бутунлай тескариси бўлди, фарзандларимиз телефонга

баттарроқ муккасидан кетди. Тўғриси, бу бизни жуда қўрқитди. 4-5 бор болалар психологга учурадик, лекин уларнинг маслаҳатидан фойда бўлмади. Уйлаб-ўйлаб, ахирини турмуш ўртоғим билан ўзимиз ўзгаришга қарор қилдик. Уйда пайтимиз фақатгина тугмачали телефондан фойдаландик. Унтанча китоб сотиб олиб, болалар ёнида фақат китоб ҳақида гаплашавердик, суҳбатларимизни қизиқроқ қилишга уриндик. Ростки, бошида болалар бизга умуман эътибор бермади, бироқ икки ҳафталардан

кейин уларнинг бизга қўлоқ солиб туриши сезилди, бора-бора “томошабин”имизга айланиб борди. Ниҳоят ўртанча фарзандимиз бир куни унга ҳам шунча қизиқарли китоб олиб беришимизни илтимос қилди. Эртасига бозордан қизиқ-қизик китобларни келтириб бердик. Сафимиз энди 3 киши бўлди. Чамаси бир ярим ойда бутун оила китобхонага айланиб қолибмиз. Ана шунда хатомизни тушуниб етдим — болага телефон ўйнама деб уришарканмиз-у, ўзимиз телефондан бош кўтармас эканмиз. Хуллас, фарзанди ана шундай “телефон жинниси” бўлиб қолган ота-оналарга маслаҳатим — “Ўзингиз ўзгармагунча фарзандингиз ҳам ўзгармайди”.

“Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб” деганларидек, юзлаб психологлар “маслаҳат”ларидан кўра, аниқ натижага эришган ота-оналарнинг “формула”си самаралироқ кўринади. Болалар табиатдан эҳтиёткор, улар даставвал катталарни “тажриба кўнча”си сифатида синаб кўради, катталар муттасил бирор машғулот билан шуғулланяптими, демак, уларнинг ҳам мурғак ақли мана шу ҳаракатни амалга ошириш мумкин деган хулосага келади. Фарзандингизда қандай хусусият бўлишини истасангиз, шу хусусиятни, аввало, ўзингизда шакллантиринг. Ўзингиз мутолаадан завқ олмай туриб, унга шунчаки эртак айтиб беришдан наф кам. Жиддийликни истасангиз, жиддий қўрилинг, меҳмондўст бўлиб улғайишини истасангиз, ўзингиз шундай бўлинг. Зеро, бутун кўпчиликини қийнаётган масалалар жавобини аждодларимиз анча илгари айтиб кетган: “Кўш уясида кўрганини қилади”.

Жонибек АЛИЖОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

